

# ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАР ИШ ЖАРАЁНИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А.

## ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ТРУДОВОГО ПРОЦЕССА РАБОТНИКОВ НА ОБУВНЫХ ПРОИЗВОДСТВАХ

Азизова ф.Л., Болтабоев У.А.

### HYGIENIC ASSESSMENT OF THE LABOR PROCESS OF WORKERS IN THE SHOE INDUSTRY

Azizova F.L., Boltaboev U.A.

*Тошкент тиббиёт академияси,  
Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали*

**Цель:** гигиеническая оценка условий труда работников обувного производства на основе определения основных показателей тяжести труда и напряженности технологического процесса. **Материал и методы:** хронометражные наблюдения были проведены в основных профессиональных группах среди 41 работника 4-х основных цехов Ферганского обувного производства в динамике рабочего дня: до начала работы (800 ч), после обеденного перерыва (1100 ч), до окончания работы (1500 ч). **Результаты:** было выявлено, что у работников обувного производства на основную выполняемую работу отводится в среднем от 65,3 до 80,0% рабочего времени, тогда как на вспомогательные операции – от 7,3 до 23,0%, кроме того, соответственно 6,2 и 1,2% времени затрачивается на выявление причин технологических неисправностей и др. отвлекаемые операции. **Выводы:** нерациональный режим труда и распределение основных технологических операций работников производства приводит к раннему утомлению организма, застою на производстве, снижению производительности труда.

**Ключевые слова:** обувное производство, работники, условия труда, тяжесть труда, напряженность труда, хронометраж, гигиеническая оценка.

**Objective:** hygienic assessment of the working conditions of employees of shoe production on the basis of determining the main indicators of the severity of labor and the intensity of the process. **Material and methods:** studies were conducted among 41 employees of 4 main workshops of the Fergana shoe production in the dynamics of the working day: before work began (800 hours); after the lunch break (1100 hours), before the end of the work (1500 hours). Time observations were conducted in the main professional groups. **Results:** according to the obtained results, it was found that workers of the shoe production assigned an average of 65.3 to 80.0% of the working time for the main work, while for auxiliary operations from 7.3% to 23.0%, besides, 6.2% and 1.2% of the time is spent on identifying the causes of technological failures and other distracting operations. **Conclusions:** the irrational mode of labor and the distribution of the main technological operations of production workers, leads to early body fatigue, stagnation in production, reduced productivity of labor.

**Key words:** workers, working conditions, shoe production, the severity of labor, the intensity of work, timing, hygienic assessment.

Пойафзал ишлаб чиқариш саноатида меҳнат ша-  
проитларининг санитар-гигиеник кўрсаткичлари,  
уларнинг гигиеник талаб мөъёлларига жавоб бериши  
ёки бермаслиги фаолият кўрсататгандаги асосий касбдаги  
гуруҳ ходимларининг меҳнат оғирлиги ва зўриқишига  
таъсир этади [5,1,2]. Буни инобаттга олган холда пойафзал  
ишлаб чиқариш мухитидаги микроклимат кўрсаткичларини,  
иш жойлари ёритилганлиги, шовқин ва тебраниш  
даражалари, ишлаб чиқариш цехлари ҳавосининг сани-  
тар-кимёвий таркибини ўрганиш мухим ахамиятни касб  
этади. Шунингдек, ишлаб чиқариш омилларининг таъ-  
сири организмнинг деярли барча функционал тизимла-  
рида (юрак-қон томир, нафас олиш, ҳазм қилиш ва бо-  
шқалар) турли хил ўзгаришлар орқали акс этади, бу эса  
ўз навбатида меҳнатнинг оғирлиги билан иш шароитла-  
ри орасида боғлиқлигини кўрсатади [3].

#### Тадқиқот мақсади

Пойафзал ишлаб чиқариш корхоналари ходимла-  
рининг технологик жараёнининг меҳнат оғирлиги

ва зўриқишининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш  
асосида меҳнат шароитларига гигиеник баҳо бериш.

#### Материал ва усуслар

Тадқиқотлар 2015-2017 йиллар мобайнида  
Фарғона пойафзал фабрикаси ходимларида ўткази-  
зилган. Бунда уларнинг функционал ҳолатларида-  
ги ўзгаришларни иш вақтининг динамикасида: иш-  
дан аввал (800 да); тушликдан олдин (соат 1100 да),  
ишдан сўнг (соат 1500) проспекция тарзида ишлаб  
чиқариш омилларининг маълум тарздаги таъсирлари  
эҳтимоли кузатилиб борилди. Физиологик  
тадқиқотларни ўтказиш мақсадида пойафзал фа-  
брикасининг 4 та цехларида (кесиш, бичиш, тайёр-  
лаш, ийифиши) фаолият кўрсатувчи 41 та ишга яроқ-  
ли ишчилар танлаб олинди. Ҳар бир касб эгаларидан  
уч нафарида уч кун мобайнида уларнинг турли хил  
асосий ва қўшимча операцияларни бажариш тез-  
лиги ва частотасини аниқлаш учун хронометраж-  
ли кузатувлар олиб борилди. Кузатувчилар 2 ҳаф-

та давомида ишчи кунининг динамикасида (ишнинг бошланишида, тушликдан аввал ва ишнинг якунида), совуқ ва иссиқ иқлимли фаслларда ўтказилди. Ходимлар меҳнат оғирлиги ва зўриқишини ўрганиш учун Золина З.Ш., Горшков С.И. (1983) томонидан тавсия қилинган «О классификации и критериях оценки труда по степени тяжести и напряженности» усул, Киколов А.И., Мойкин Ю.В., Тхоревский В.И. (1987) «Оценка тяжести и напряженности трудовых процессов» ҳамда «Методические рекомендации по оценке напряженности трудового процесса при проведении аттестации рабочих мест» услугий қўлланмаларидан фойдаланилди [4]. Олинганд натижаларга амалиётда кенг қўлланилаётган меҳнат жараёнинг оғирлиги ва кескинлиги, ишлаб чиқариш мұҳитидаги омилларнинг зааралик ва ҳафлилик кўрсаткичлари бўйича гигиеник тасниф бўйича гигиеник баҳо берилди [6].

### **Натижада мұхокама**

Пойафзал ишлаб чиқариш ходимлар меҳнати тезкор шаклларида ташкил этилганлиги локал ва регионал характердаги мушак зўриқишиларини ортиб бориши, жиҳозлар ва ишчи мебелларининг тузилиш жиҳатдан бир хиллиги, атроф-мұҳитидаги гигиеник шарт-шароитлардан қониқмасликдан вужудга келадиган юқори даражадаги асаб-руҳий зўриқиши туфайли меҳнат қобилиятининг пасайиши, тез чарчашнинг ривожланиши, умумий касалланинг ортиб бориши ва касб касалликларининг пайдо бўлиш юқори эҳтимоллигини белгилайди..

Кесиши ва бичиши цехларидаги фаолият тикка туриб бажариш ва катта жисмоний зўриқиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тана қисмларини олдинга ёки ёнига буқчайиши ушбу цехлардаги иш жараёнининг ўзига хос характерли томонини кўрсатиб беради. Ўрганилаётган цехлар иш жараёнига яна бир хусусият характерли бўлиб, яъни бир хил тарздаги ҳатти-харакатлар, қўл ва билакларнинг тез-тез тақорланувчи, қўл, елка ва бел мушакларига катта босимнинг таъсири этишидир.

Асосий касб эгалари ходимларининг меҳнати тайёрлаш цехларида мажбурий иш кўринишида кечади. Уларнинг меҳнат жараёни, шунингдек, кўриш анализаторларининг зўриқиши ва бутун смена давомида маълум бир оғирликини кўтариш билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар иш мобайнида ходим руҳий холатига узоқ таъсири этиб, катта босимда зўриқиши хис этади натижада тайёрлаётган пойафзал сифатига ҳам таъсири юзага чиқади.

Йиғиш цехидаги ходимлар кун давомида тик ҳолатида иш бажаради. Пойафзал йиғиш билан банд ходимлар иш куни мобайнида 101-250 гача мажбурий энгашиб ишлайди. Текширилганда ходимларнинг бундай зўриқиши ҳолатида ишлаши, меҳнатнинг оғирлашиши корхонанинг бирорта цехида белгиланган танаффусларнинг бўлмаслиги, меҳнатнинг ишлаш ва дам олиш тартибига риоя этмаслигидан, ишнинг тўғри ташкил этилмаганлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ишчиларнинг меҳнат жараёни турли иш операцияларни бажариш мобайнида ҳар-хил оғирликларни кўтариши ва жиддий тарзда ишлашни талаб этади.

Иш кунини хронометраж усули билан ўрганилганда ишлаб чиқариш цехларидағи ходимларни ҳархил операцияларни бажариши мобайнида турлича вақт сарф қилиниши, турлича зўриқиши ва оғирликини ҳис қилиши аниқланди. Пойафзал таглиги қисмларини тайёрлаш цехида асосий деталларни тайёрлаш учун вақти умумий – 91,7%, бундан 66,6% - асосий, 10,3% - ёрдамчи иш ҳаракатларини бажаришга сарфланади. Вақтнинг нотўғри сарфланниш сабабларидан жиҳозларнинг етарлича талабга жавоб бермаслиги туфайли техник носозликлар (9,2%), ташкилий жиҳатдан носозликлар (8,1%) ташкил этади. Шунингдек, кўшимча ишларни бажариш, ишчи ҳолатини ўзгартириш, цех бўйича ҳаракатланиш, ҳамкасабалар билан суҳбатлашишга кетган вақт – 5,8% ни ташкил этган.

Бичиши цехидаги ишчи операциялар хронометражи ўтказилганда асосий ишни бажаришга сарфланиш – 70,8%, кўшимча иш учун – 20,2% ни ташкил қўлган, бунда оддий ташкилий ҳаракатларга боғлиқ ишлар учун – 4,4% вақт сарфланган. Натижада цехга пойафзал тепа қисмлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу цехда иш оғирлигининг ва меҳнат жараёнининг энг паст кўрсаткичлари туфайли ходимлар асосий ишдан 5,8% вақт давомида чалғиши аниқланди.

Тайёрлаш цехидаги хронометраж усулини ўтказилиши куйдаги натижаларни кўрсатди: асосий операцияларни бажариш учун 65,3%, кўшимча – 23,0% ва сабабларни аниқлаш бўйича вақт 6,2% ни ташкил этган. Ишни тўхтаб қолиши ўртacha кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб ва ундан чалғиши 3,0 % ни ташкил этди. Тайёрлаш цехидаги ходимларнинг иш куни хронометражи ўтказилганда асосий ишни бажариш учун кетган вақт бошқа цехдаги вақтдан фарқ қилиб 65,3% сарф этилган, бу энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Йиғиш цехидаги ходимларни асосий ишга сарфлаган вақти 80,0%, кўшимча ишга – 7,3%, техник носозликлар бўйича сарфланган вақт – 1,5%, ишдан чалғиши эса 11,2% ни ташкил этди.

Ўзининг таркиби бўйича бир меъорда тақорланувчи оддий операциялар берилган ишларнинг тезлигига кўра каммазмунли ва бир хил тарзда тақорланувчи меҳнат эканлигини кўрсатди. Бажарилувчи иш операциялари турли пресслар, текисловчи ускуналар, қуйиш агрегатларида бажарилаб, юқори даражада диққатни зўриқишини, кўриш ва одам танасини бир хил туриши билан тавсифланиб, 16-20% гача вақт пойафзаллар қисмини бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши ва уларни бошқа цехларга узатишга сарфланади.

Хронометраж кузатувларга кўра ходим организми ихтиёrsиз равишида чарчаб қолиши маълум бир ҳаракатларда кузатилади (цех ташқарисига чиқиб кетиши, бир-бiri билан суҳбатлашиб туриши; иш жойида шунчаки ишсиз ўтириш, керишиш, цех бўйлаб юриш ва ҳоказо). Ихтиёрий равишида ишдан чалғиши кам ҳаракатли фаоллик билан боғлиқ бўлиб, ўрта ҳисобда 4-6 иш куни соатини ташкил этади. Иш кунининг 2-ярмида эса ушбу ҳаракатлар 6,7% ни

ташкил қилди (куннинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 4,5% га тенг).

### **Хуносалар**

1. Пойафзал ишлаб чиқариш корхоналаридаги асосий касб эгаларининг меҳнат жараёнини ишлаб чиқариш шароитларининг мураккаблиги билан тавсифланади ва ўта зўриқиши ҳолатида меҳнат бажарилишини кўрсатди.

2. Ходимларнинг режалаштирилган бир кунлик иш операцияларини бажаришда асосий иш вақтнинг етишмовчилиги кузатилди (73,8%), бу эса иш куни ва дам олиш тартибини рационал тўғри ташкил этилишини талаб этади.

### **Адабиётлар:**

1. Бедрина Е.А. Оценка тяжести и напряженности трудового процесса работников производства //Мет. Указания - Омск, 2016. – 35 б.

2. Груздев Е.Е. Гигиенические аспекты оптимизации условий труда работников кожевенного производства //Автореф.канд.дис. М., 2007. 24 б.

3. Миронов А.И., Кириллов В.Ф. и др. Труд и состояние здоровья работающих на обувных производствах //Медицина труда и промышленная экология – М., 2001. - №2. – Б. 20-23.

4. //Методические рекомендации по оценке напряженности трудового процесса при проведении аттестации рабочих мест – Тошкент, 2004. - 15 б.

5. Суворова И.В., Косяченко Г.Е. и др. Гигиеническая оценка характера трудовой деятельности по показателям тяжести и напряженности труда. Инструкция по применению – Минск, 2013. – 22 б.

6. СанПиН РУз №0141-03. Гигиеническая классификация условий труда по показателям вредности и опасности факторов производственной среды, тяжести и напряженности трудового процесса //06.10.2003 йил ЎзР ССВ томонидан тасдиқланган – Тошкент, 2003. – 37 б.

## **ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАР ИШ ЖАРАЁНИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А.

**Мақсад:** пойафзал ишлаб чиқариш корхоналари ходимларининг технологик жараёнининг меҳнат оғирлиги ва зўриқишининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш асосида меҳнат шароитларига гигиеник баҳо бериш. **Материал ва усуllibar:** Фарғона пойафзали ишлаб чиқаришнинг 4та асосий цехида 41 нафар ходими иш куни жараёнида тадқиқотлар ўтказилди: ишга киришгунга қадар (соат 800); тушликдан кейин (соат 1100), иш охирда (соат 1500). Вақт кузатувлари асосий профессионал гуруҳларда ўтказилди. **Натижса:** олинган натижаларга қўра пойафзал ишлаб чиқарувчилари асосий иш учун ўртача иш вақтининг 65,3% дан 80,0% гача, ёрдамчи операциялар бўйича эса 7,3% дан 23,0%, вақтнинг 6,2% ва 1,2% технологик носозлик сабабларини ва бошқа чалғитувчи операцияларни аниқлашга сарфланади. **Хуроса:** иш кунини хронометраж усули билан ўрганилганда ишлаб чиқариш цехларидағи ходимларни ҳар-хил операцияларни бажариши мобайнида турлича вақт сарф қилиниши, турлича зўриқиши ва оғирликни ҳис қилиши аниқланди.

**Калит сўзлар:** ишчилар, иш шароитлари, пойафзал ишлаб чиқариш, меҳнат оғирлиги, ишнинг интенсивлиги, вақтни белгилаш, гигиеник баҳолаш.